

Маъсулнати чекланган жамият шаклидаги
«Agrotaxlib» аудиторлик ташкилоти филиали

- Навоий шаҳар, Зарафшон кўчаси 1-уй, 6-хона, телефон рақами: +99891-986-35-80.
- Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2020 йил 23 январда 00840-сонли лицензия берилган.
- Ҳисоб рақами: 20 208 000 305 159 930 001, АҚБ «Туронбанк» Тошкент шаҳар М.Улугбек филиали, МФО: 01154, СТИР: 307 005 873, ОКЎД: 69202.
- Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2013 йил 21 декабрда 05170-сонли малака сертификатини олган аудитор Шарипов Ю. молиявий фаолиятини аудит қилди.

“Навоий” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” акциядорлик жамиятининг
2021 йил молиявий ҳисоботи бўйича ўтказилган аудиторлик текшируви
натижалари тўғрисида тузилган

ИЖОБИЙ АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ

Кармана тумани

14 апрел 2022 йил

Мен “Навоий” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” акциядорлик жамиятининг 2021 йил молиявий ҳисоботи, шунингдек ҳисоб есиёсати аҳамиятли қондаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдим.

Менинг фикримча, молиявий ҳисоботлар “Навоий” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” акциядорлик жамиятининг 2021 йил молиявий ҳолатини, унинг молиявий натижаларини ва пул оқимлари ҳаракатини барча муҳим жиҳатларда бухгалтерия ҳисобининг стандартларига мувофиқ ҳаққоний ҳолатини ақс эттиради.


Аудиторлик текшируви далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини таплаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади. Мен аудитнинг халқаро стандартларига (АХС)га мувофиқ аудит ўтказдим.

Менинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигим ушбу ҳулосанинг “Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги” бўлимида батафсил ёритилган. Мен “Навоий” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” акциядорлик жамиятидан мустақил равишда Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари Кенгашининг (БХАСК) “Профессионал бухгалтерлар учун ахлоқ” Кодекси талабларига ва ахлоқий қондаларига, ҳамда ушбу талабларга ва БХАСК Кодексида белгиланган бошқа мажбуриятларни бажарганман. Мен олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблайман.

Аудиторлик текширувидан ўтказилмаган молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун ҳўжалик юридувчи субъектнинг раҳбарияти жавобгар ҳисобланади.

Аудиторлик ташкилоти мазкур текширув бўйича ўз ҳулосаси учун жавоб беради.

Маъсулнати чекланган жамият шаклидаги
«Agrotaxlib» аудиторлик ташкилоти
филиали аудитори:



Ю.Шарипов